

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси  
Раиси

  
М. Азимов  
2018 йил “09” 07  
09-02115-64-сон



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси  
Раиси

  
Б. Бегалов  
2018 йил “09” 07  
09/6-09-15/2-189-сон



**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси  
ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўртасида  
республикадан жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиб кетилаётган  
мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини юритиш ва экспорт ҳажмида  
акс эттириш тўғрисида  
БИТИМ**

Мазкур Битим (бундан буён матнда Битим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси (бундан буён матнда Томонлар деб юритилади) ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ва “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунларига, Божхона кодексининг 260-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорига, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 19-20 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ва Улуғнор туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни”нинг 40-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## 1. Умумий қондалар

1. Битимда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**божхона пости** – ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширувчи ва унинг таркибига кирувчи, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автомобиль (пиёда) ўтиш пунктида жойлашган божхона пости;

**жисмоний шахслар** – божхона пости орқали умумий оғирлиги 10 килограммдан 40 килограммгача бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини олиб чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахслари-резидентлари;

2	O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasi
	Kel. № 04095 вч “11” 07 2018 y.

**мева-сабзавот маҳсулотлари** – сабзавотлар, мевалар, дуккакли, узум ва полиз экинлари, куритилган сабзавот ва мевалар (ТИФ ТН бўйича товар коди 07, 08, 1202).

## **2. Жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиб кетилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини юритиш**

2. Жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиб кетилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳисоби божхона постлари ходимлари (бундан буён матнда маъсул ходимлар деб юритилади) томонидан юритилади.

3. Мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини юритиш маъсул ходимлар томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) божхона пости орқали олиб чиқиб кетилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар маъсул ходимлар томонидан жисмоний шахсларнинг маҳсулот номи ва вазни ҳақида оғзаки шаклда декларацияланган маълумотларини мазкур Битим 1-иловасида келтирилган жадвалга (бундан буён матнда жадвал деб юритилади) киритиш йўли билан шакллантирилади. Бунда ушбу жадвал маълумотлари электрон шаклда юритилади;

б) жадвалга киритилган маълумотлар асосида жисмоний шахслар томонидан божхона постлари орқали олиб чиқиб кетилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар маъсул ходимлар томонидан ҳар куни соат 19-00га қадар Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига тақдим этилади.

4. Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан маъсул ходимлардан олинган жадвал маълумотлари Битим 2-иловасида келтирилган жадвал шаклида тайёрланади ва ҳар куни соат 20-00га қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юборилади. Ушбу маълумотлар Давлат божхона қўмитасида ўсиб бориш тартибида шакллантирилади.

5. Давлат божхона қўмитаси томонидан ўз ҳудудий бошқармаларидан олинган жадвал маълумотлари Битим 3-иловасида келтирилган жадвал шаклида тайёрланади ва электрон шаклда ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Давлат статистика қўмитасига юборилади.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт нархлари ҳақидаги маълумотлар Давлат божхона қўмитаси томонидан “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК билан ҳамкорликда “Ўзагроэкспорт” АЖнинг расмий веб-сайтида ҳар ҳафтада эълон қилиб борилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари учун экспорт нархлар даражаси тўғрисидаги ахборот асосида шакллантирилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош давлатлар бўйича белгиланган экспорт нархларининг ўртача даражаси олинади (расмий веб-сайтда экспорт нархи

кўрсатилмаган маҳсулотлар бўйича вилоят (шаҳар) ички деҳқон бозорларидаги ўртача нархлардан фойдаланилади).

6. Республикадан жисмоний шахслар томонидан олиб чиқиб кетилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат ташқи савдо статистикасида белгиланган тартибда акс эттирилиб борилади.

### 3. Яқуний қоидалар

7. Битим 2018 йил 1 августдан бошлаб кучга киради.

8. Битим талабларининг бузилишида айбдор бўлган Томонлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

9. Битим “Ўзбекиқовқатхолдинг” ХК билан келишилган.

“Ўзбекиқовқатхолдинг” ХК Раиси

2018 йил “10”



Т. Жалилов

Республикадан жисмоний шахслар  
 томонидан олиб чиқиб кетилаётган  
 мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини  
 юритиш ва экспорт ҳажмида акс  
 эттириш тўғрисидаги Битимга  
 1-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан божхона пости орқали олиб чиқиб кетилаётган  
 мева-сабзавот маҳсулотлари ҳақида маълумот**

№	Божхона постининг коди	Маҳсулот номи	Маҳсулот вази (кг)	Маҳсулот олиб чиқилаётган давлат	Маҳсулот олиб чиқилаётган сана (кун, ой, йил)	Масъул ходимнинг Ф.И.Ш.
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ:  
 ушбу жадвал ҳар бир жисмоний шахсдан олинган маълумотлар кетма-кетлигида тўлдирилади.

Республикадан жисмоний шахслар  
 томонидан олиб чиқиб кетилаётган  
 мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини  
 юритиш ва экспорт ҳажмида акс  
 эттириш тўғрисидаги Битимга  
 2-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан божхона постлари орқали олиб чиқиб кетилаётган  
 мева-сабзавот маҳсулотлари ҳақида маълумот**

№	Худуд*	Божхона постининг коди	Маҳсулот номи	Маҳсулот вазни (кг)	Маҳсулот олиб чиқилган давлат	Маҳсулот олиб чиқилган сана (кун, ой, йил)	Масъул ҳодимнинг Ф.И.Ш.	Маҳсулотнинг ТИФТН бўйича коди
1	2	3	4	5	6	7	8	9

\*божхона постлари кодининг дастлабки 2 та рақами кўрсатилади.

Республикадан жисмоний шахслар  
 томонидан олиб чиқиб кетилаётган  
 мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини  
 юритиш ва экспорт ҳажмида акс  
 эттириш тўғрисидаги Битимга  
 3-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан божхона постлари орқали олиб чиқиб кетилаётган  
 мева-сабзавот маҳсулотлари ҳақида маълумот**

№	Худудлар*	Маҳсулот номи	Маҳсулот вазни (кг)	Маҳсулот олиб чиқилган сана (кун, ой, йил)	Маҳсулот олиб чиқилган давлат	Маҳсулотнинг ТИФТН бўйича коди	Маҳсулотнинг қиймати (АҚШ долл.)
1	2	3	4	5	6	7	8

\*худудларнинг "Қорхоналар ва ташкилотларнинг умумреспублика классификатори (КТУТ)" базасида келтирилган коди ("КВ") кўрсатилади.